УзССР Давлат китоб палатаси
Рос. давлат китоб палатаси УзССР
180794

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 13 июль, чоршанба** | № 33 (6620). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон—Қозоғистон—Қирғизистон

УЙҚАШ МАҚСАДЛАР

Ўзаро ҳамкорлик ришталарини тобора мустаҳкамлаётган учала мамлакат — Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон республикалари президентлари 8 июль куни Алматида учрашдилар. Қозоғистон Президенти қароргоҳида мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбатидан сўнг делегациялар ўртасида музокаралар бошланди. Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида уч қўшни мамлакат ташқи ишлар вазирлари Тошкент ҳамда Бишкекда келишилган аҳдномаларнинг бажарилиши юзасидан кенгашдилар.

Сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев биргаликда баёнот ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон халқларига мурожаатнома қабул қилдилар. Қўшма баёнотда, жумладан, самимий ва ўзаро ҳамфикрлик руҳида ўтган Алмати учрашуви илдизлари тарихан туташ халқларимизнинг анъанавий дўстлиги ва ҳамкорлигига муҳим ҳисса қўшгани таъкидланган.

Шунингдек, аҳоли миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳамда учала республика ўртасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Мазкур мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари эса республикалар ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт соҳасидаги ҳукуматлараро битим ва шартномаларни, ахборот билан таъминлаш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Учрашувда эришилган энг йирик аҳдномалардан бири уч республика давлат бошлиқларининг давлатлараро кенгаши ва унинг органларини тузиш ҳақидаги қарор бўлди. Бундан ташқари, томонлар музокаралар якуни асосида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш юзасидан ҳукуматлараро комиссия тузишга келишиб олдилар. Мазкур комиссия ҳомийлигида ижроий қўмита, ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари кенгаши фаолият бошлаши кўзда тутилмоқда.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвири (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Илм-фан иқтисодий муносабатларда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг, давлат мустақиллиги асосларини мустаҳкамлашнинг муҳим қисми бўлиши лозим. Илмий-техникавий тараққиёт даражаси ва суръатлари ҳақиқатан ҳам юксалиши учун республикадаги мавжуд илмий салоҳиятдан янада тўлароқ фойдаланиш, ишнинг пировард натижалари учун тадқиқот жамоаларининг масъулиятини ошириш зарур.

7 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида шу ҳақда гапирилди. Йиғилиш иштирокчилари халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишда республика олимлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов очди. Йиғилиш иштирокчиларининг нутқларида ҳозирги шароит — бозор муносабатларига ўтиш, демократик давлат асосларини шакллантириш, мустақил ташқи сиёсат юритиш Осиё минтақасида тинчликни барқарорлаштирувчи қудратли омил сифатида Ўзбекистоннинг мавқеи ошиб бораётгани билан боғлиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунинг учун ҳам улар республика илм-фани бош штаби фаолиятининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтдилар. Фан, таълим, маданият, қонунчилик, иқтисодиётнинг энг муҳим муаммолари, хусусан экология жиҳатидан соф ва ресурсларни тежайдиган технологияларни яратиш, фойдали конларни излаш ва ишга солиш, табиат ресурсларини қайта ишлаш, деҳқончилик-саноат мажмуи ишида қатнашиш — академия институтлари учун фаолият майдони экани таъкидланди. Кимё ва биология соҳасидаги тадқиқотлар, тиббиёт, озиқ-овқат саноати учун янги моддаларни ишлаб чиқиш, сейсмодинамика, материалшунослик муаммоларини ўрганиш устивор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари шу муносабат билан Ўзбекистонда илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, кадр тайёрлаш, илмий тадқиқотларни моддий ва техник жиҳатдан таъминлаш, халқаро алоқаларни ривожлантириш масалалари катта аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар. Илмий ишланмалар самарадорлиги бугунги талабларга тўла жавоб беролмайди. Янги мавзулар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш учун ресурслар жуда секинлик билан ажратилмоқда. Илмий муассасалар тузилмасида янги йўналишларни ривожлантириш бўйича ўзгаришлар юз бергани йўқ.

Йиғилишда бошқарувнинг самаали усулларини, фанни ривожлантиришнинг илғор шаклларини қидиришни кенг йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Илмий-тадқиқот жамоалари у ёки бу ишланмаларга қўл уриш ҳуқуқи учун курашиши, ўз мавзуларининг рақобатбардошлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан аҳамияти муҳимлигини тасдиқлаши лозим. (ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИГА

МУРОЖААТНОМА

Азиз ватандошлар!

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ягона иқтисодий макон ҳақиқатга айланмоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиёт, сиёсат, маданият ҳамда одамларнинг кундалик алоқалари соҳасида сезиларли натижа бера бошлади.

Олий инсоний муносабатларни чуқурлаштириш, одамларнинг кундалик алоқаларини енгиллаштириш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси пировард натижада чуқур инсонпарварлик йўналишида бўлиб, маърифий мулоқотнинг объектив қонунлари билан белгиланади. Биз биргаликда ёрқин келажагимизга замин ҳозирлаяпмиз. Бундай келажакни бирлик ва жипсликсиз, бизнинг — Марказий Осиё халқларининг тақдири муштараклигини ва келажаги бир хиллигини равшан англамай туриб, тасаввур қилиб бўлмайди.

Бизнинг мустаҳкам қардошлик алоқаларимиз тарихий, жуғрофий, маданий муштараклик ва тилимизнинг умумийлиги билан боғлиқ. Биз кўп асрлардан буён давом этаётган дўстлигимиз ва яхши қўшничилигимиз негизида бир-биримизга яқинлашмоқдамиз, айни пайтда миллий ўзига хослигимизни, давлат истиқлоли ва сиёсий мустақиллигимизни сақлаб қолмоқдамиз. Янги тарихий шароитда халқларимизнинг бир-бирига яқинлашаётгани минтақанинг алоҳида бўлиб ажралиб қолишини билдирмайди. Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома МДҲдаги бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши учун очиқдир.

Ана шу мақсадларни кўзлаб, Алмати учрашувида иқтисодиёт, тадбиркорлик, молия, ҳарбий-техникавий, мудофаа алоқаларини ва ташқи сиёсий фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий воситаларини таъминлайдиган ҳужжатлар келишиб олинди ва имзоланди. Қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун биз Давлатлараро Кенгашни таъсис этдик.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатлар имзоланиши билан мамлакатларимизнинг фақат ягона иқтисодий макон сарига эмас, балки умумий, сиёсий ва маданий макон сари ҳақиқий ҳаракати бошланди.

Биз, давлат бошлиқлари, мамлакатларимизнинг қудратли иқтисодий, сиёсий ва маънавий салоҳиятини аниқ интеграция дастурларини амалга оширишга, қардош халқларнинг умумий манфаатлари йўлида самарали меҳнат қилишга қаратишга қатъий аҳду паймон қилганмиз ва юртдошларимизга, оқсоқоллар ва ёшларга, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига, Марказий Осиё минтақасини ўз Ватани деб биладиган барча миллат вакилларига мурожаат қилиб, бу ишда бизни қўллаб-қувватлашни сўраймиз.

Фақат жипслашиш, куч-ғайратларни бирлаштириш, барқарорликни сақлаб қолиш йўли билан биз ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўта оламиз ва мамлакатларимизда туб иқтисодий ислоҳотлар ҳамда демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларини ҳал қила оламиз.

Алматида имзоланган ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунини, мурожаатномамизни қардош мамлакатларнинг халқлари маъқуллаб, самимий қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари барчамизни бирлаштириб турган муштарак олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришда мустаҳкам ҳамкорлик қилишига ишонамиз.

Қалбларимиз, ҳиссиётларимиз ва орзу-умидларимиз абадий якдил ва якнафас бўлсин!

Алмати шаҳри, 1994 йил 8 июль.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ	Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ	Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқи

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сизлар билан, Ўзбекистон фани ва келажаги учун қатта хизмат қилаётган, эл-юрт орасида таниқли ва ардоқли инсонлар билан учрашганимдан бениҳоя мамнун эканимни изҳор этишга, ҳаммангизга саҳат-саломатлик, мамлакатимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатингизда омад ва янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Маърузани бошлашдан олдин, кейинги сайловда менинг камтарона хизматларимни юксак баҳолаб, Фанлар академияси каби улуғ ташкилот аъзолигига якдиллик билан номзодимни тасдиқлаганингиз учун сизларга чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. **Бу мен учун катта ишонч ва буни мамлакатда ўтказилаётган сиёсатни илму фан аҳли қўллаб-қувватлаётгани белгиси деб биламан.**

Одамзод ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади. Ана шу маънода академиклик илмий унвонига сазовор бўлишимни — менга ишонч билдирган атоқли олимларимиз олдида узилмас қарз, деб тушунаман.

Сизлар — зуқко илм аҳли билан учрашиш, ҳаётимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, **бошимиздан ўтаётган катта-катта муаммолар, уларни ечишга қаратилган режалар, дастурлар ва ҳаракатлар ҳақида фикр алмашиб, сизлардан маслаҳат олиш, керак бўлса, мадад олиш ҳар қайси раҳбарнинг вазифаси, деб ҳисоблайман.** Негаки, бу маслаҳатлар инсонга кучқувват бағишлайди, иродасини тоблайди.

Албатта, сизлар давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардорсиз. Бугунги ҳаётимизни ҳам яхши биласиз. Шу сабабли, мен энг муҳим масалалар билангина чекланмоқчиман.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсат хусусида гапирар эканмиз, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ўзгариш— дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киранимиз бўлди. Ўзбекистон давлати ундан ўзининг муносиб жойини эгаллади. 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг энг йирик ва энг нуфузли давлатларининг элликдан ортиқ элчихонаси пойтахтимиз Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг салоҳияти, унинг порлоқ келажаги ҳамма тарафидан тўлиқ эътироф қилинмоқда ва очиқ тан олинмоқда. Дунёда Ўзбекистонни билмаган давлат қолмади, деб айтсак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Қолаверса, Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида нафақат жуғрофий, балки ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан марказий ўрнини эгаллади. Бу ҳақиқатни фақатгина қўшниларимиз эмас, балки бизнинг бугунги сиёсатимизни кузатиб турган узоқдаги давлатлар ва уларнинг раҳбарлари ҳам тан олиштн.

Мамлакатимизнинг ташқи дунё билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Мана, шу йилнинг олти ойини олиб қарайлик. Шу вақт мобайнида Хитой Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн, Франция Президенти Франсуа Миттеран, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари Ўзбекистон меҳмони бўлди. Ўзбекистон давлат делегациялари эса Ҳиндистонда, Японияда ва Туркияда бўлиб қайтди.

Расмий, норасмий музокара ва учрашувлар чоғида кўплаб халқаро масалалар, ўзаро сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўнлаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Чет эллик ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали йирик лойиҳалар тузилди ва амалга ошира бошланди.

Ўзбекистоннинг кейинги 2—3 йил мобайнидаги халқаро фаолияти, имзоланган муҳим халқаро ҳужжатлар, жаҳондаги энг йирик, нуфузли давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши, мамлакатимизга оқиб келаётган йирик сармоялар давлатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, келажаги буюк, деб комил ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқимиз манфаатларини ўйлайдиган, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир. Халқимиз, жамиятимиз қўллаб-қувватлаган мана шу йўлда кейинги икки-уч йил давомида қандай ишлар амалга оширилди?

Энг аввало, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимизни шакллантирдик. Мустақил, озод, суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакат Конституцияси, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва йўлга солиб турувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий муносабатларнинг жамиятимиз учун мутлақо янги асослари, хусусий мулк ва кўп укладли, дунё сари юз тутган очиқ иқтисодиёт пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда.

Жаҳондаги энг илғор тажрибани инобатга олган ҳолда, бозор муносабатларига хос янги иқтисод, молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти.

Биз эски мустабид, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тақсимотчилик тизимидан воз кечдик. Ягона мафкурачилик, ҳаётнинг барча соҳаларида КПССнинг мафкуравий тазйиқи ва зўравонлигини йўқотдик, янги тарихимиз, ҳаётимиз саҳифаларини очдик.

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиқлай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишни ўз қўлимизга олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб боряпти.

Ўз олдига демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимлари шаклланмоқда.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ва улар олиб келаётган инвестициялар ҳажми кенгаймоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати, меҳнатни рағбатлантириш манбалари, сабаблари, ҳаётга муносабати ўзгармоқда, улар демократик давлат ва бозор иқтисодиёти қадриятларига қўпроқ доҳил бўлмоқдалар.

Янги валютага — миллий пулимизга ўтишимиз ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. У тақдиримизда ўчмас из қолдиради, келажагимизда улкан аҳамият касб этади. Энг муҳим вазифа — ана шу миллий валютамизнинг кучини, қудратини, харид қобилиятини белгилаш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни, обрўсини жойига қўйишдир. Шу мақсадда зарур дастурлар амалга ошириляпти. Бу борадаги биринчи вазифа — унинг ички конвертациясига эришишдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддао ва мақсадимиз аниқ. Шу мақсад ва муддаоларга эришиш учун пухта ишланган дастурларимиз ва амалга оширилган ишларимиз, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлсиёсатимизнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши — бизнинг энг катта ютуғимиздир. Халқимиз мамлакат олдида турган вазифаларни қанчалик самимий қабул этса, уларни ўзларининг хусусий манфаатлари билан чамбарчас боғласа, шу мақсадларни амалга оширишга бел боғлаб ҳаракат қилса, бунинг ҳосили — самараси ҳам шунчалик тез кўзга кўринади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман, халқнинг келажакка ишончи энг катта куч, энг катта бойлик, истиқлолнинг энг буюк гаровидир. Барча режаларни амалга оширувчи, тақдиримизни ҳал қилувчи мана шу омилдир.

Мана шу билдирилган, зикр этилган фикрларнинг маъноси ва аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. Агар мендан, бугунги ҳаётимизда аниқ снёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўралса, аввало, шу снёсатни ҳаётга тадбиқ қиладиган ва шу снёсат учун, керак бўлса, жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш, деб жавоб берган бўлур эдим. Энг муҳим вазифа — шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, вилоят, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборатдир.

Бу масаланинг бугунги ҳаётимизда аҳамияти ортиб бораётгани, алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: 70—75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяги ўша тарбия билан қотган.

(Давоми 2-бетда).

● *Янги китоб*

Ўзбекистон тажрибаси эътиборга молик

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Тошкентдаги маданият-ахборот марказида Ислом Каримовнинг Бишкекда нашр этилган «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобининг тақдимоти бўлди. Шу муносабат билан Қирғизистон Республикасининг элчихонаси Ўзбекистон журналистлари билан учрашув ташкил этди.

Қардош мамлакат вакиллари сўзлаб, ўз давларининг вазифалари ва талабларига тўла жавоб берадиган, узоқни кўра биладиган ва кучли иродали, янги тоифадаги сиёсий йўлбошчи ва давлат раҳбари бўлган Ислом Каримовнинг фаолиятига Қирғизистонда қизиқиш катталигини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси... Президент, республика аҳолисининг томонидан туб ислоҳотларнинг бурилишнинг жуда қисқа муддаккаб босқичида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат жаҳон ҳамжамиятида муносиб баҳосини олганича йўқ. Бугунги Ўзбекистондаги бу тажриба, давлат қурилиши ва раҳбарлик тамойиллари диққат билан ўрганишга арзигулиқдир. Улар кўпгина мамлакатлар — биринчи навбатда Марказий Осиё ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида ҳаракат учун қўлланма бўлиши мумкин.

Юқорида номи тилга олинган китобда мана шу тажрибанинг моҳияти баён этилган. Китобдан ўрин олган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан суҳбат ўзига хос шарҳ вазифасини ўтайди. Унда мазкур китобнинг нашр этилиши муҳим ҳодиса эканлиги, унинг чуқур мазмуни таъкидланган.

(ЎзА).

ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур.

Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим.

Албатта, эски сиёсатдан воз кечиш жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш — ғоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва катта масъулият керак. Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканимизни ҳар дақиқа теран ҳис этиб турмасак бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таянишни мен ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайман. Бу масаланинг ҳаётимизнинг барча тармоқларига, шу жумладан, илму фан соҳасига ҳам бевосита даҳли бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бизда келажакка катта умид ва ишонч бор. Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлади, деган сўзлар дабдабали шиор эмас, балки теран ўйлаб, пухта ҳисоб-китоблар негизида чиқарилган асосли хулосадир.

Биринчидан, бизда буюк тарих ва буюк маънавий мерос бор. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий илдизлари ғоят чуқур, қурилаётган муҳташам иморатимизнинг пойдевори жуда бақувват. Буюк маданиятга эга бўлган миллатнинг истиқболга умид билан қараши мутлақо табиий ҳолдир.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, иқлими қулай экани ҳам шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

Учинчидан, меҳнаткаш, ғайратли, бунёдкор халқимиз бор.

Лекин яна бир буюк хазинамиз борки, бу — мамлакатимизнинг **интеллектуал салоҳияти,** ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган. Сиз, муҳтарам олимларимиз, ана шу буюк бойликнинг ворисларисиз.

Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу, энг аввало, мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади.

Ақлий меҳнат туфайли тараққий топган давлатларни олиб қарайлик, Япония ёки Жанубий Кореянинг бизникидек улкан табиий бойликлари борми? Йўқ. Лекин дунёнинг энг илғор технологияси ана шу мамлакатларда жойлашган. Мен бу икки давлатнинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва энг қудратли давлатлар сафига кириши сабабларини, аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган инсонларнинг ўз бурчига, ўз вазифасига виждонан ва масъулият билан қарашида, деб биламан.

Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш — ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янглишмаган бўламиз.

Лекин бир ҳолни очиқ айтишимиз керак. Япония ва Жанубий Корея тажрибасини, ҳаётини ўрганяпмиз. У ерга фаолларимиз ва мутахассисларимиз бориб келяпти. Уларнинг вакиллари ҳам юртимизга тез-тез келиб турибди.

Шундай бир табиий савол туғилади: ўзгаларнинг, жумладан, Япония ва Жанубий Корея тажриба-хулосаларини билиб-кўриб туриб, нега ўз интеллектуал бойлигимизга бошқача кўз билан қараймиз? Нега шу бойликдан тўғри фойдаланмаймиз?

Буни энг катта камчилик, бепарволик ва саёз фикрлашнинг яққол тасдиғи деб тушунмоқ керак.

Қани, айтинглар: академияда тўпланган илмий потенциални, мамлакатдаги илмий салоҳиятни, ҳеч бўлмаса, назарий жиҳатдан бирор-бир киши ҳисоблаб чиққанми? Шунинг аниқ ва тўлиқ ҳисоб-китоби борми?

Ахир, Ўзбекистонда дунё кашфиётларидан хабардор, айни пайтда дунё кашфиётларига муносиб ҳисса қўшган олимлар кам эмас. Тўғри, Россия, Украина ва Белорусда йирик илмий мактаблар мавжуд. Лекин Ўзбекистон илмий салоҳиятининг айрим фан соҳаларида улардан қолишадиган жойи йўқ, деб ўйлайман.

Бизнинг яна бир устунлик тарафимиз шуки, катта билим ва тажриба эгалари, баъзи мамлакатлардагидек, чет элларга кетиб қолаётгани йўқ. **Олимларимиз Ватанга хизмат қилишга доимо тайёр.** Уларда Ватан туйғуси барча нарсадан устунроқ. Мен бирорта йирик олимимизнинг четга кетиб қолганини билмайман. Бундан фахрланиш керак, азиз биродарлар! Мен буни миллатнинг нуфузи, буюк фазилати, деб ҳисоблайман.

Муҳими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш. Гапнинг рости, кейинги 3-4 йилда бу масалалар ечилиши уёқда турсин, умуман, у давлат назоратидан четда қолди. Аҳвол жиддийлашиб кетди. Буни очиқ тан олишимиз керак.

Албатта, масаланинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Масаланинг объектив томони шундаки, тўпланиб қолган муаммолар бугун бошимиздан кечаётган умумий инқироз билан боғлиқ. Чунки фан ҳам мамлакатимиз сингари собиқ Иттифоқ таркибида эди. Айтмоқчиманки, мавжуд муаммоларни биргина академиянинг фожиасига айлантирмасдан, уларга умумий инқироз доирасидан туриб қарашимиз лозим. Ана шунда унинг объектив сабабларини тўғри англаймиз, тўғри таҳлил қиламиз ва бу соҳадаги олдимизда турган муаммоларни ечиш йўлини топишимиз мумкин.

СССР даврида Фан ва техника комитети бўлиб, у фанга буюртмалар берар ва маблағ билан таъминлар эди. Академия эса жорий иқтисодий муаммолар хусусида бош қотирмасдан, йирик илмий лойиҳалар ва дастурлар устида ишлар эди.

Энди бугунги аҳволимизга бир назар ташласак. Республикада собиқ Госплан ўрнига Истиқболстат деган ташкилот тузилди. Бу ташкилот мамлакатнинг истиқбол режаларини белгилаб бериши керак эди. Республика истиқболидан келиб чиқиб, устивор йўналишларга боғланиб, қисқаси, давлатимизнинг тараққиёт стратегиясини инобатга олиб, илму фан, техника олдига, жумладан, академия олдига ҳам аниқ давлат буюртмаси — закази бериши, ана шу буюртмага қараб академия институтларига етарли маблағ ажратилиши керак эди. Амалда эса, аҳвол мутлақо бошқача.

Фан соҳасидаги сиёсатга келсак, узоқ муддатни қўя турайлик, ҳатто 5—10 йилга мўлжалланган оддий бир стратегия ҳам йўқ. Демак, олимлар ўз билганларича ишлаяптилар. Лекин бундай тарқоқ тадқиқотлар самарасиз бўлиши табиий. Илмий йўналишлар орасида узилишлар юзага келган. Натижада ҳар ким ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳар ким ўзича ишлаяпти.

Режалар аниқ қўйилмаган, бунинг устига, ташкилотчилик ва талабчанлиқ паст бўлган жойда ҳар хил эътироз ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар.

Умуман, фикримча, академия тизимидаги барча норозилик ва келишмовчиликлар турли гуруҳларнинг пайдо бўлишидан, режалаштириш ва маблағ тақсимлашдаги хатолардан келиб чиқади. Адолат бузилган жойда норозилик кучайиши табиий.

Энди мамлакат Фан-техника давлат қўмитаси хусусида тўхталсак. Бу ташкилотни биз катта орзу-умидлар билан тузган эдик. Орадан анча вақт ўтди. Бироқ у ҳақиқий давлат идораси даражасидаги нуфузга эга бўлолмади. Бу ерда ўтирган мансабдор олимлар фан соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ўрнига, мавжуд давлат буюртмаларини ўзларига яқинроқ бўлган олимларга бериш билан овора бўлди. Майда манфаатлардан воз кечиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларни кўзлаш, Ўзбекистон илм-фани ва техникаси тараққиёти билан шуғулланиш ҳозирча Фан-техника қўмитаси қўлидан келмаяпти.

Ўйлайманки, Фанлар академияси Фан ва техника давлат комитети билан ҳамкорликда илмий-техникавий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, янги изланишларни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳамкорликни ташкил этса, аҳвол ўзгариши мумкин. Акс ҳолда улар ўртасидаги жарлик қанчалик чуқурлашса, ислоҳотларимизга шунчалик зарар етади.

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий изланишлар самарадорлигини оширмасак, илмий муассасаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз. Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр-муҳаббати беқиёс. Улар билан фахрланиб юради.

Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳар хил даражадаги илмий муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз минтақаларида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ва шу минтақа тараққиётига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Ана шу минтақавий илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги номутаносибликни ҳам бартараф этиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Минтақаларда мавжуд илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш яхши самара беришини унутмайлик.

Академик фанни ривожлантириш қанчалик зарур эканини ҳаммамиз тушунамиз. Агар давлат ўз манфаатини кўзлаб, илму фан тараққиётининг аҳамиятини тўғри англаса, ўз бюджетидан керакли ҳажмдаги маблағни ажратиб бериши даркор.

Модомики, мустақиллик, истиқлол тақдири илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ экан, илму фан аҳволига ва келажагига бефарқ қарай олмаймиз. Республикамизнинг кучли илмий ва техникавий салоҳиятини назарда тутсак, халқ хўжалигининг барча тармоқларига дахлдор бўлган илмий йўналишларни янада аниқроқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

Дунё тажрибаси кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фан ва техникани тараққий эттиришда аввало бу соҳани давлат томонидан бошқариш ва кўмак бериш муҳим ўрин тутади.

Лекин, шу билан бирга, биринчи навбатда фундаментал, назарий тадқиқотлар — изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, махсус академик жамғарма ташкил этиш керак деб ўйлайман. Унинг маблағлари ҳам миллий, ҳам қадри баланд хорижий валютадан иборат бўлиши керак.

Албатта, асосий кўмак давлат томонидан берилади. Лекин мамлакатимизнинг йирик концерн ва уюшмалари, масалан, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзмевасабзавотузмсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» каби бадавлат ташкилотлар ҳам бу жамғармага ҳомийлик қилади, деб ишонамиз.

Жамғармани бошқариш ва ундаги маблағларни тақсимлаш Фанлар академияси президиумига топширилади. Унинг ҳайъатини тузиш ҳам президиум ихтиёрига берилади. Ўйлайманки, бундай махсус жамғарма жуда кўплаб илмий муаммоларни ечишда фаол кўмакчи бўлади.

Азиз дўстлар!

Табийки, биз бугунимизни ҳам, келажагимизни ҳам фан-техника тараққиётисиз тасаввур эта олмаймиз. Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин. Шунинг учун ҳам бугун сиз билан академия ва унинг фаолиятига доир масалалар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчи навбатда, илму фаннинг, академиянинг ривожи ва ўсишига тўсиқ бўлаётган баъзи субъектив сабаблар ҳақида, академияни, унинг институтларини бошқариш, бу борадаги тушунмовчиликлар, баъзан пайдо бўлаётган зиддиятлар ҳақида ҳам гаплашиб олсак.

Бир ҳақиқатни барчамиз теран англаб етишимиз керак: давлат, жамият ва жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатларимиздан устун қўймасак, ишимиз олға силжимайди ва баракаси бўлмайди.

Ўзбек фани, ўзбек техникасининг оламшумул обрў-эътибори барча шахсий икир-чикирлардан, майда-чуйда гаплардан, ўзаро келишмовчиликлардан юқори туриши лозим.

Таассуфки, ҳозиргача ҳам бир-биридан араздашиш, бир-бирининг йўлини тўсиш каби ҳолларни учратиш мумкин.

Бугунги йиғилишдан муддао камчиликларни очиб ташлаш, бир-биримизни фош этиш эмас, балки масалага холислик билан ёндашиб, академия фаолиятини тубдан ўзгартириш, юз берган инқироздан чиқиб олиш йўлларини излашдан иборатдир.

Умуман, Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, илмий тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақозо этилади.

Ҳар бир олим — ўзига хос бир дунё. Илмий ишни ҳеч қачон буйруқ, топшириқ ва кўрсатмалар билан бажариб бўлмайди. Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари борки, биз буни албатта, инобатга олишимиз керак.

Мамлакат тараққиётида фундаментал фан муҳим ўрин тутади. Бу борада, яъни фундаментал фанни ривожлантириш учун Фанлар академиясида яхшигина тажриба ва имкониятлар бор.

Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, фундаментал тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш лозим. Фундаментал фанга умид билан қарашимиз, унга кенг йўл очиб беришимиз даркор.

Мисол тариқасида бўлсада, пахтачилигимиз келажаги учун генетик олимларимизнинг қўшган ҳиссаси ва шу фаннинг аҳамиятини таърифлашга зарурат йўқдир.

Замон қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа соҳаларда, айниқса, мелиорация ва ирригация, тупроғимизнинг унумдорлигини ошириш бобида мавжуд изланишларнинг натижаларини, агротехника ва агробиологик усулларни жиддий ўзгартиришни, жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини қўллаб-қувватлашни ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Деҳқончилик ва умуман ишлаб чиқаришни фан негизида, айниқса, назарий, фундаментал фан асосида қайта қуроллантирмас эканмиз, мамлакат тараққиётини тезлаштиришимиз амримаҳол.

Яхши биламизки, илму фан даргоҳларида, жумладан, академия институтларида энг оқсоқ ва энг ночор жой, энг ечилмаган муаммо, бу — илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишдир.

Бу масалани ҳал этишда олимларимиз зиммасига ҳам худо берган иқтидори билан кашф этишни, ҳам шу кашфиётларни амалга оширишдек икки вазифани баробар юкласак, ўта адолатсизлик бўлур эди.

Очиқ айтиш керак: илгари ишлаб чиқариш соҳаси, корхоналар илму фан, илмий тадқиқотлар натижаси билан мутлақо қизиқмасди. Илмий кашфиётларни ишлаш, уларни дунёнинг бирор бурчагидан топиб келиб амалда қўллаш, унинг ортидан фойда кўриш эски ишлаб чиқариш тизимига мутлақо ёт эди. Нега деганда, рақобат бўлмаган, бақимандалик, давлат ҳисобидан кун кўриш кайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир.

Оқибатдэ илму фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлди. Зиддиятнинг асосий сабаби ҳам шунда.

Бу масалани ечмасдан, ишлаб чиқаришда банд бўлган фаоллар ва жамоаларни илму фан тарраққиётига қизиқтирмасдан илмий изланишлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишни ҳал қилиб бўлмаслиги аён ҳақиқатдир.

Бугун академия институтларида, жумладан, техник ва табиий фанлар соҳасида изланишлар олиб борадиган физика, химия, биология, геология, математика, механика ва бошқа институтларда жорий этилишини кутиб турган илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Уларнинг ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетишига давлатимиз иқтисодига зиён етказувчи заиф жойимиз деб қарасакгина, иш жойидан силжийди.

Яна бир гап: олимларимиз, биринчи навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.

Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир.

Тарихчи олимларимиз томонидан олти жилддан иборат «Ўзбекистон тарихи»нинг яратилиши, темурийлар даври ва маданиятига доир кўплаб рисолаларнинг вужудга келиши халқимиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу асарлар ҳозирги замон тарихий жараёнларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни қанчалик қондирса, янги тадқиқотларни давом эттиришни ҳам шунчалик тақозо этади.

Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, аввалмбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш қоидасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир. Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бир қанча луғатлар чоп этилди. Ўзбек тилининг лотин ёзувига асосланган орфографик қоидалари ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг ўтган уч йили мобайнида ижтимоий фанлар соҳасида, айтиш мумкинки, бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Бироқ шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёқараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиши мазкур соҳани тубдан ривожлантиришни, унинг фаолият доирасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмунмоҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир.

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. **Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.** Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашига эришишимиз керак.

Иқтисод фанлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Биз иқтисодиётни ривожлантиришда ўз йўналиш ва йўлларимизни бирмунча аниқлаб олдик. Ҳозиргача эришган ютуқларимизга жаҳон жамоатчилиги юқори баҳо бермоқда. Бироқ бу билан кифояланса, орқада қолиб кетишимиз шубҳасиз.

Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Бироқ бу тажрибаларга кўр-кўрона ёндашмасдан, ўзимизнинг миллий эҳтиёжларимиздан ва маҳаллий имкониятларимиздан келиб чиқиб, энг мақбул шаклларини танлаб олишимиз даркор.

Лекин шуни очиқ таъкидлаш керакки, иқтисодиёт фани ҳам ҳали жамият тараққиётидан бирмунча орқада қолаётир.

Фанлар академияси иқтисод илмида, иқтисодий йўналишлар ва йўриқлар ишлаб чиқишда ўз имкониятларини тўла кўрсата олмаяпти. Шундан тегишли хулосалар чиқариш керак, деб ўйлайман.

Фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан ҳам баҳоланади. Академияда ана шу оддий ақидалар унутилган кўринади. Ёши улуғ олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Кўплаб янги ғоялар, янги фикрлар тўсиққа учраб, ёш муаллифларнинг қалбида сўниб кетмоқда.

Бунга сабаб нима? Ким ёки нима истеъдодли, катта ишонч ва умид билан меҳнат қилаётган ёш олимларимизнинг ўсишига, уларнинг тан олинишига халақит бераяпти?

Бу табиий саволларга жавоб топишимиз даркор. Мана шу анжуманда давлатимиз, халқимиз илму фанимизга катта меҳнати сингган, номини жамоатчилик катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган устоз алломалар — академикларимиз ўтирибди.

Уларнинг жамиятимиз учун қилган меҳнатларини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз. Устозларнинг бой тажрибаларидан, илмий ғояларидан озиқланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатидан руҳланиши лозим.

Бу масалани ечиш учун академиядаги эскириб қолган баъзи бир қоидаларни ва одат тусига кирган айрим тартибларни ўзгартириш вақти келди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда ўз илмий изланишлари билан илму фан аҳли орасида танилган, ўз ишлари билан яқин ва узоқ мамлакатларда катта обрў топган ёш олимларимизни академия аъзолигига қабул қилсак ва уларга ишлаш учун тегишли шароит яратиб берсак, бу ўзбек фани ва унинг келажаги учун жуда олижаноб иш бўлур эди.

Агар бизнинг миллат фанини ривожлантириш, мамлакатимизни илғор давлатлар қаторига қўйиш ниятимиз бўлса, ҳамжиҳатлик билан ишлашимиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб, қўлга киритган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, маънавий етуклигимизни намоён этишимиз лозим.

Бизда ҳали-ҳануз эски замондан қолган бир камчилик мавжуд: академияга вазирлик сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Масалага расмиятчилик билан қараш оқибатида ҳатто вазирликларда штат қисқариши ҳақида гап кетса, Молия вазирлиги академияга: «Ҳайъат аъзолари фалонтага қисқарсин», «Вице-президентлар фалонта бўлсин!» деган буйруқларни юборишга одатланиб қолган.

Ёки бугунги аҳволни олиб қарайлик. Ижтимоий фанлар бўлимида 12 соҳа фанларини бирлаштиришни қандай тушуниш мумкин? Яна бир мисол: Ўзбекистонимизнинг истиқболини белгилайдиган икки муҳим соҳа — химия ва химиявий технология бўлими билан геология ва кончилик бўлимлари бирлаштириб қўйилганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир ҳолни қиёслаб кўрайлик. Геология вазирлигида 11 нафар, енгил саноатда эса 15 коллегия аъзоси бор. Айни вақтда нега Фанлар академиясида фақат 9 та президиум аъзоси бўлиши керак? Ахир, академия ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши лозим-ку!

Фикримча, академиянинг нуфузини кўтариш, унга кўпроқ ҳуқуқ бериш керак. Академия нафақат ўзидаги, балки бутун мамлакатдаги фан масканларига ўз таъсирини ўтказиши лозим.

Бугунги кунда академия бўлимларида деярли ҳуқуқ йўқ. Ўмуман, президиум аъзолари, аввало, етакчи олим, кейин эса амалдор бўлиши керак.

Президиумнинг бўлажак таркибига худди шу нуқтаи назардан қараш зарур. Президиумга амалдорлар эмас, ҳақиқий олимлар аъзо бўлиб, келажак учун жон куйдириб хизмат қилсин.

Президиум аъзолари доимий бўлиши шарт эмас. Бу ерда ҳам, айтайлик, ҳар икки йилда аъзоларнинг маълум қисми алмашса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Президиум бугун коллектив фикрини ифода этмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Янги президиум илму фан жамоатчилиги фикрини одилона ифода этувчи холис ва объектив идора бўлиши зарур. Президиумга энг етук фан соҳиблари йиғилиши талаб этилади.

Президиум билан институтлар ўртасидаги алоқа жипс бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда. кўпчилик олимларнинг фикрича, академиянинг низоми кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермайди.

Бир ҳолга эътибор беришимиз керак. Ҳозирча ҳақиқий аъзолар билан мухбир аъзолар ўртасида узилиш борлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Шуни инобатга олиб, кейинги сайловда ҳақиқий аъзолар сонини кўпайтиришни назарда тутиш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир мулоҳаза: ҳақиқий аъзоликка номзодларнинг барчаси мухбир аъзо бўлиши шарт эмас. Ўз соҳасининг энг етук вакиллари бўлган фан докторларининг номзодларини ҳам олға суриш керак. Ана шундагина Фанлар академияси ёшаради, кучлироқ ва ғайратлироқ бўлади.

Менимча, янги сайланган президиум аъзоларига академия низомини обдон қайта ишлаб чиқиш ва йил охирида уни қабул этиш вазифаси топширилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар, биродарлар!

Илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, туғилган янги ғояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатдир. Бу — ижод кишисининг нуфузини оширадиган, уни обрў-эътиборли қиладиган ноёб имконият.

Бугун академиямиз ва унинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида фикр юритдик. Мамлакат тараққиётида ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фан-техниканинг муҳим ўрни ҳақида гаплашиб олдик. Эндиги вазифа ҳаммамиз бор иқтидоримизни, истеъдодимизни, куч ва ғайратимизни миллат шаъни ва мамлакат шавкатини ошириш йўлида сафарбар этишдан иборат.

Умид қиламанки, олимларимиз улуғ аждодларимиз васиятларига амал қилиб, ворисларга хос иш тутадилар. Янги-янги ихтиролар билан мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшадилар. Ана шу масъулиятли, машаққатли ва шарафли ишда ҳаммангизга куч-қувват, жўшқин илҳом, кашфиётларингизга омад тилайман.

Мустақиллик одимлари

МИЛЛИОНЕР МАКТАБ

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманига қарашли Тоштемир Чўтбоев номидаги 37-ўрта мактабга киришдаёқ чамандек очилиб турган анвойи гулларни кўриб кўзингиз қувнайди, руҳиятингиз кўтарилади. Ичкарига киргач, ҳар қадамда ёшлар тарбиясида дастуриламал бўладиган сўзлар, афоризмлар, ҳадислардан намуналар, мактабда ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар ёритилган лавҳаларни кўриб, бу мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг тиним билмайдиган ғайратли, ишбилармон раҳбар билан ишлаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Биз мактаб директори Холмўмин НОРМАТОВ билан тарбия ишидаги ислоҳот — таълимнинг янгича мазмуни ҳақида суҳбатлашдик. У бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Даргоҳимизда 670 ўқувчи сабоқ олади. Уларга 62 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Педагогик жамоамиз бугунги кун талабини тўғри тушунган ҳолда ёшлар таълими ва тарбиясини янгича мазмунда амалга оширмоқдалар. Мактабда олтита лицей синфлари ташкил этилган. Улардан учтасида физика, учтасида математика фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилади. Уч йил муддатга тузилган ўзаро шартномага мувофиқ Термиз давлат дорилфунунининг Исмоил Аллаев, Эргаш Тўраев, Шерози Мисиров, Абдураҳмон Умиров каби педагог-олимлари лицей синфларида физика ва математика бўйича махсус курслардан қисқа муддатли назарий ва амалий машғулотлар олиб боришади. Умумий физика, математика фанларини мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Жума Туропов, биринчи тоифали ўқитувчи Мамат Эшназаров чуқур ўргатишади. Лицей синфларда дарслар соат 15 гача давом этади. Дарсдан кейин ўқувчилар овқатланиб, бироз ҳордиқ олгач, тўгарак машғулотларига қатнашадилар. Мактабда Искандар Жўраев раҳбарлик қилаётган қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаси, Мусурмон Тошев бошчилигидаги радиотехника, Мамарайим Қаронов раҳбарлик қилаётган дурадгорлик, Эшбой Хўжақулов бошчилик қилаётган наққошлик, Иқбол Ўрозов раҳбарлик қилаётган тақир гилам тўқиш, Ирисой Жумаева раҳбарлик қилаётган гилам учун хомашё (ип йигириш, бўяш) тайёрлаш, Ойзира Ражабова раҳбарлик қилаётган юмшоқ ўйинчоқлар ясаш тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчилари билан мактаб ер участкасида деҳқончилик билан ҳам доимий шуғулланишади.

Ватанимиз келажаги учун хорижий тилларни мукаммал эгаллаган зукко, билимдон ходимларни тайёрлаш ишига ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишни ният қилиб, мактабда иккинчи синфдан бошлаб француз тили ўқитилишини жорий қилганмиз. Бу фан 2-,-3,-4-синфларда ҳафтасига икки соат, 5-синфда уч соат ўқитилади. 8-синфдан бошлаб мазкур синфлар чет тилини чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиладиган лицей синфларига айлантирилади. 8-синфни битирган ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишлари тест синовлари воситасида яна бир марта таҳлил этилгандан сўнг улар лицей синфларига ёки умумий таълим синфларига ўтказилади. 9-синфни битиргач, лицейга қабул қилинмаган ўқувчилар у ёки бу касбни танлаб ҳунар-техника билим юртларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Энг муҳими, мактабимиз ўқувчилари ҳам, ўқитувчилари ҳам вақтни бекор ўтказмасликка, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Таълим-тарбия ва меҳнат уйғунликда олиб борилгани учун ҳам ўқув даргоҳимиз "Миллионер мактаб" номини олган. Мактабимизнинг давлат банкида ўз ҳисоб рақами бўлиб, унга турли манбалардан муттасил пул тушиб туради. Чунончи, 1993-94 ўқув йилида тўгаракда тўқиб сотилган гиламлар эвазига 600 минг сўм, қишлоқ жамоа хўжалигининг буюртмасига кўра пахта териш этаклари тикиш ҳисобидан 100 минг сўм, юмшоқ ўйинчоқлар тикиб сотишдан 500 минг сўм, дурадгорлик тўгарагида ишланган сандиқ, бешик, урчуқ, тароқ, болалар аравачаси, синф чўти, нонпар, ўқлов, жўва, чўмич каби хўжалик асбоблари, пахта чигитини толасидан ажратадиган асбоб — халажи кабиларни сотиш эвазига 250 минг сўм, нусха кўчирувчи қурилма ёрдамида тўйҳатлар, таклифномалар, тест саволлари ва бошқа ёзувларни тайёрлаб бериш орқали 50 минг сўм, мактаб ер участкасида етиштирилган бўғдой, сабзавотлар, мевали дарахт кўчатларини сотишдан 2 миллион сўм пул тушган. Бундан ташқари, мактабда сартарошхона очилган бўлиб ўқувчиларга сартарошлик касби ҳам ўргатилади ва аҳолига кўрсатилган хизмат ҳисобига ҳар ой мактабнинг ҳисоб рақамига 10 минг сўм пул тушади.

Мактабимизда фидокорлик намунасини кўрсатиб ишлаётган ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Масалан, физика, математика, биология, эски ўзбек ёзуви, информатика ва бошқа фанлардан ўтказилган туман, вилоят ва республика олимпиадаси ғолибларига пул мукофотлари жорий қилинди. Мактаб билан жамоа хўжалиги ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Яқинда жамоа хўжалиги саккизта соғин сигирни мактабга ижарага бериб, уларни керакли озуқа билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Келажакда кичик фермерлик хўжалигимиз тумандаги барча мактаблар ва болалар боғчаларини сут билан таъминлашни ўз зиммасига олишни мўлжаллаб турибди. Хулоса, бозор иқтисодига ўтиш шароитида ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга уларда иқтисодий билим асосларини шакллантириш, моддий бой

Эҳтиром сатрлари

ИНСОН УЧУН НАСИБА УЛУҒ

Ҳар касбнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шунинг учун бир соҳа кишиси бошқа бир касб эгаси бажарган ишни эплолмаслиги мумкин. Дейлик, жаррох қўлидан агрономлик келмаслиги ёки аксинча, ўз касбининг устаси бўлган дурадгор илм кишиси билан мусоҳабада шогирдлик даражасидан нари ўтолмаслиги нотабиий ҳол эмас.

Лекин касблар ўртасида ўзаро эҳтиёждан ўзгача боғлиқлик ҳам борки, бу касб инсонни эмас, инсон касбни улуғлайди, деган иборани ёдга солади. Бир қарашда ҳайрон қоласиз: тикувчилик билан ўқитувчилик ўртасида қандай назардан пинҳон яқинлик бўлиши мумкин? Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, масала равшан бўлади-кўяди.

Аввало тикувчи ҳеч қачон таваккалига иш қилмайди, ҳаммасини олдиндан режалаштириб олади. Бирон кийим тикар экан, уни одамлар эгнида тасаввур қилиб кўради. Ўқитувчи ҳам. У ўз билимининг натижасини ўқувчи қиёфасида тасаввур этади.

Бундан ҳам қизиқроги, тикувчи танага, ўқитувчи қалбга либос кийдиради. Ҳар икки касб эгасининг меҳнати эл кўзида тегишли баҳосини олади.

Шунинг учун бўлса керак, меҳнат фаолиятини тикувчиликдан бошлаган Насиба Ғуломовна Солихўжаевани мактабга меҳнат таълимидан ўқитувчиликка таклиф этишганида у янги касбда ҳам ўз имкониятларини тез намоён қила олди.

Ҳар бир инсонда табиатан бир қанча фазилатлар мужассам. Кўпинча бундай фазилатларни юзага чиқариш учун маълум бир шарт-шароит зарур бўлади. Насиба Ғуломовна Тошкент шаҳридаги 214-мактабда директор сифатида иш бошлаганида раҳбарлик тажрибасига эга эмасди. Аммо табиатига хос ташкилотчилик қобилияти тажрибасизлик ўрнини босиб кетди. Аслида ҳам ташкилотчилик ҳар қандай раҳбар учун муҳим хислатдир.

Педагогик изланишлар Насиба Ғуломовнани Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти раҳбар ходимларни тайёрлаш кабинети методисти вазифасига етаклади. Бу ерда у ўз билими, тажрибаси, ташкилотчилиги билан кўплаб педагог раҳбарлар камолотига муносиб ҳисса қўшди.

Бўтакўзни булут танийди, дейди халқимиз. Насиба Ғуломовна Солихўжаеванинг педагог сифатидаги жонкуярлиги халқ таълими мутасаддилари назаридан четда қолмади. Унга ишонч билдиришиб, Республика ўқув-методика маркази директори ўринбосари лавозимига тайинлашди.

Том маънода янгиланиш жараёни кечаётган бир даврда раҳбар бўлиш хусусан аёллар учун, очиғи, осон эмас. Таълимда чинакам мазмуний ўзгаришларни услубий янгиликлар белгилайди. Педагогларимизнинг илғор иш тажрибаларини ўз вақтида илгаб олиш, ҳаётдаги аҳамиятини тўғри белгилаш ва кенг оммалаштириш — ўқув-методика маркази бугунги фаолиятини белгиловчи мезонлардир. Бу борада амалга оширилаётган ибратли ишларга Насиба Ғуломовна раҳбарларнинг бири сифатида бош-қош.

Бундан бир йил муқаддам "Маърифат" газетаси педагогларга услубий-ташкилий ёрдамни кучайтириш мақсадида ўзининг 5 та илова сонини нашр этди. Илова учун РЎММ ходимлари тайёрлаган мақолаларнинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан ранг-баранг бўлишида Насиба Солихўжаеванинг ташкилотчилик қобилияти, айниқса, яққол намоён бўлди.

Ўтган жума куни РЎММ мажлислар залида ҳамкасблари, шогирдлари, ўқитувчилар "Халқ таълими аълочиси" нишондори Насиба Солихўжаевага эҳтиром кўрсатиб, аъло баҳо рақами рамзий акс этган сана билан муборакбод этишди, педагогик фаолиятида янги-янги муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилашди. Талабчан раҳбар, зийрак маслаҳатчи, оққўнгил дўст, меҳрибон она, фазилатли буви сифатида ҳурмат қилишларини изҳор этишди. Биз ҳам ушбу эътирофларга қўшилган ҳолда заҳматкаш педагог Насиба Ғуломовнани кўпминг сонли "Маърифат"чилар номидан қизғин муборакбод этамиз!

С. ҲАКИМОВ.

Олтин ёз!

ИЗЛАБ, ИМКОН ТОПАМИЗ



Ҳозир ёз фасли. Ўқувчиларнинг кўпчилиги дам олиш масканларида, сўлим гўшаларда таътил гаштини суришаяпти. Уларга яратилаётган шарт-шароит кўпчиликни қувонтирмоқда. Бу борада Сирғали туман халқ таълими бўлими, туман матлубот жамияти ҳамда оталиқ ташкилотларининг кўрсатаётган жонбозликлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Айни пайтда туманда 8 та ўқувчилар оромгоҳи мавжуд. Унда меҳнаткашларнинг бир ярим минг нафардан зиед ўғ ил-қизи ҳордиқ чиқараяпти. Ҳар бир ўқувчига ўртача 84 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда, ёзнинг гаштли ўтиши учун шароитлар яратилмоқда.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади,— дейди тумандаги "Сарбон" жамоа бирлашмасининг раҳбари Рашид Абдураҳмонов.— Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Соғлом авлод учун" ордени ҳамда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган хайрия жамғармасининг тузилиши барчамизни масалага ижодий ёндашишга, ишларимиз келажаги учун қайғуришга даъват этмоқда. Тўғ ри, республикамизда вақтинчалик бўлса-да, иқтисодий қийинчиликлар бўлиб турибди. Лекин изланиб, ташаббускорликни қўлга олиб иш тутсак, ҳар қандай вазиятда ҳам керакли имкониятларни топсак бўлади. Шу боис ҳам туман халқ таълими бўлими раҳбарияти, мактаб директорлари билан ҳамкорлик қилиб, ўқувчиларимизнинг таътили яхши ўтиши учун аввалдан белгиланган режа асосида иш тутаяпмиз. Болажонларимизга озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришдан ташқари, турли тадбирларни ўтказишга, шаҳримиздаги маданий ва маърифий жойларни бориб кўришларига ҳам имкон яратаяпмиз. Туман матлубот жамияти мутасаддилари ҳам оромгоҳларни керакли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Суратларда: Сирғали туманидаги "Қуёш" оромгоҳидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" муҳокамада

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ТАКЛИФ КИРИТАМИЗ

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тўплами лойиҳаси тўғрисида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бунда имло қоидаларининг берилиш тизимида ва тартибида ўзгача (янгича) йўл тутилган. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни ҳамда умуман, янги имло қоидалари тўпламини асосан маъқуллаган ҳолда қуйидаги айрим истак ва мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Лойиҳа саҳифаларида келтирилган кичик босма "к" ҳарфининг шакли 1993 йил 2 сентябрдаги қабул қилинган Қонунда келтирилган шаклидагидек берилганида мақсадга мувофиқдир.

2. Рус тилидан ўзлашган концерт, организм, операция каби сўзлар, шунингдек, опера, очерк, тонна, талон каби сўзлар ҳамда трактор, ректор, директор, лампочка каби сўзлар таркибидаги "о" билан она, ота, олмос, бино каби сўзлар таркибидаги "о"нинг бир хил шаклда келтирилиши, бизнингча, чалкашликларга сабаб бўлади. Ҳақиқатда талаффуз ва имло бир-бирларига қанчалик яқин бўлса, тилни ўрганиш, ўзлаштириш шунчалик осонлашади. Ўзлашма сўзлардаги "о" ўзбек тили талаффузи меъёрларига мослаштириб берилса, яъни ўзбек тилидаги "о" билан рус тилидан ўзлашган сўзлар таркибидаги "о" бир-биридан фарқли эканлиги ёзувда ўз ифодасини топса маъқул бўларди.

Лойиҳа саҳифаларидаги барча русча ўзлашма сўзлар таркибидаги "о" ҳеч қандай қўшимча белгисиз шаклда лойиҳанинг 1-, 2-, 6-, 7-, 8-, 10-, 13-, 19-, 33-, 36-, 40-, 51-, 56-, 73-, 76-, 77-, 87-моддаларида келтирилганлиги имло ва талаффузда қийинчиликлар келтириб чиқаради.

3. Сўзга юклама бирдан ортиқ қўшилса, уларнинг ҳар бири (57-модда) чизиқча билан ёзилиши шартмикин?! Сўнгги юкламагина чизиқча билан ажратилишининг ўзи, бизнингча, етарлидир.

4. "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тўпламида йўл қўйиб юборилган имло хатоларга нима дейиш мумкин?! Қаранг: 6-моддада: кец (аслида кеч бўлиши керак); 24-моддада: ному (номус), коринмаслик (кўринмаслик); 35-моддада: йиғла-йиғлоўи (йиғла-йиғлоқи), қави-қавиў (қави-қавиқ); 37-моддада: бойин-бойним (бўйин-бўйним); 40-моддада: Йўлдошов (Йолдошова), Йолдошович (Йолдошовна) – Йўлдошова, Йўлдошович, Йўлдошовна бўлиши керак; 45-моддада: ўзилиштон (қизилиштон), олапоцоо (олапўчоқ); 50-моддада: Халқкбод (Халқобод); 73-моддада "Ғунца" ("Ғунча"); 77-моддада: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Транспорт ходими"да янги қоидага кўра "транспорт" сўзи кичик ҳарф билан ёзилиши таъкидланган ҳолда ўша сўз бош ҳарф билан келтирилган; 80-моддада... кишилик олмоши бош ҳарф билан ёзилади, дейилган-у, мисоли келтирилмай қолган; 81-моддада: қатламинин (қатламининг); 82-моддада: "йигламсираб" ("йиғламсираб") тарзида хато босилган.

5. "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси" бирикмасини "Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси" шаклида ифодаланиши илмий лингвистик жиҳатдан тўғри ва мақсадга мувофиқдир.

Суннатулла РИЗАЕВ,
ЎзПФИТИ "Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлоси таълими" бўлими мудири, доцент.

МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси таълим-тарбия жараёнида алоҳида хизмат кўрсатган ходимларни тақдирлаш мақсадида ўзининг махсус қарори билан "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони ҳамда халқ ўқитувчилари Мамажон Абдурасулов ва Одилжон Акбаров номидаги мукофотларни таъсис этган эди. Ҳозирга қадар вилоятдаги 300 нафар халқ таълими ходимига ушбу кўкрак нишони берилди. Андижон шаҳридаги 4-ҳунар-техника билим юртининг махсус фан ўқитувчиси Абдуғани Маматқулов ва Пойтуғ шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мастура Қосимова эса мукофот совриндори бўлдилар.

Бундай тадбирнинг таълим-тарбия ишида яхши натижалар бераётганлигини ва ўқитувчилар фаоллигини оширганлигини ҳисобга олиб, вилоят халқ таълими бошқармаси мукофотлар сонини 6 тага етказди. Ҳар бир мукофот билан ўқув йили давомида 2 киши тақдирланади. Совриндорларга ойлик маошнинг ўн баробари миқдорида пул ҳамда кўкрак нишони ва гувоҳнома берилади.

Ўз мухбиримиз.

ҚОРА СОЯЛАР

Шокирхўжа Собирхўжа ўғли Сулаймонхўжаев 20-30-йиллар ва 40-йилларнинг бошлари ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири, атоқли ёзувчи ва шоир, таниқли педагог ҳамда тилшунос-журналист эди.

Ҳужжатасровдаги "айбнома"да кўрсатилишича, "Ватан хоинлари Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Шаҳид Эсон Мусаев, Бўлат Солиев каби чет эл таълимини олган ўта хавфли кишиларнинг миллатчилик ва зараркунандалик ишларини давом эттирган Шокир Сулаймон ўз асарлари ҳамда фаолиятида пинҳона келган" ҳамда "тасаввуф тариқатининг халқ орасидаги ташвиқотчиси сифатида диний ақидаларни қўллаб-қувватлаган".

Пантуркизмни Шокир Сулаймон билан боғлаш 1930 йилнинг совуқ муҳитида — Ғози Олим, Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Қайюм Рамазон, Чўлпон, Элбек, Санжар Сиддиқ, Жулқунбой, Ғулом Зафарий, Ашурали Зоҳирий, Шаҳид Эсон, Шорасул Зуннун, Мулла Бегижон Раҳмонов, Исмоил Садрийлар қамоққа олинган пайтларда бошланганди. Бу даврда Шокир Сулаймон тарговларга чақирилиб турилди. Аммо уни ҳибсга олиш учун далиллар етарли бўлмаганлиги боис Шокир Сулаймоннинг тасаввуф тариқати — диний ақидалар тарғиботчиси сифатида қораланишига, унинг 1921 йили Оренбург Ислом олий мадрасасининг Шарқ адабиёти ва исломшунослик бўлимини битиргач, Қўқонга келиб, у ерда Мадалихон мадрасасида кишилар орасида мадраса таълимини тарғиб қилувчи киши сифатида айбнома очилади.

Бу ҳақда Шокир Сулаймон 1941 йилнинг 28 августида тергов чига берган жавобида шундай деган эди: "Шўро ҳукуматининг сиёсати одиллик, инсонларга ғамхўрлик, ватанпарварлик, ишонч билан яшаш бўлгандан сўнг унинг мадраса таълимидан деярли фарқи йўқ-ку? Агар айтган гапларим хато бўлса, мени кечиринг..." Бу гаплар "ўз жиноятига иқрор бўлди", деган хулосага олиб келган, уни ҳибсга олишга асос бўлган эди.

Бугина эмас, ҳужжатасровнинг гувоҳлик беришича, Шокир Сулаймон 1921 йилнинг октябрида, Туркиядан қочиб келиб Тошкентда яшаётган Анвар Пошшо билан учрашган, у тузган "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотнинг йиғилишида Мунаввар Қори, Фитрат, Турор Рисқулов, Низомиддин Хўжаев кабилар ҳам бўлган, йиғилишдан сўнг Шокир Сулаймон Анвар Пошшо билан суҳбатда бўлган, "Миллий иттиҳод"га аъзо бўлишга ваъда берган ва ўз сўзининг устидан чиққан.

Хуллас, ана шундай "айблар" асосида ўзбекнинг буюк бир кишиси — ёзувчи, шоир, педагог-журналист ва катта таржимон 1941 йилнинг 25 августида ҳибсга олиниб, шу йили 22 декабрда отиб ташланди...

АРМОНЛИ ДАМЛАР ҚУРБОНИ ЭДИ

Шокир Сулаймон 1900 йилда Қўқон шаҳрида руҳоний-зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Собирхўжа ўратепалик бўлиб, мударрис Сулаймонхўжанинг фарзанди эди. Сулаймонхўжа 1898 йили Қўқонга кўчиб келади.

— Бунинг боиси, — деб изоҳ беради Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи, ҳозирда 87 баҳорни қаршилаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Зайнаб Аҳмад қизи Мирсалимова, — отамиз Собирхўжанинг кенжа хотини Тиниқой ўта гўзал бўлиб, насл-насаби қўқонлик эди. 1898 йили Собирхўжа Тиниқой билан турмуш қуради. Кейинчалик Шокирхўжа, Очилой, Яҳёхўжа каби фарзандлар кўришади. Собирхўжа отамиз икки марта ҳаж сафарига борган ўта ҳуҳожўй, инсонпарвар, форс ва араб тилларини яхши биладиган мударрис эдилар...

Шокир Сулаймон бошланғич таълимни отаси қўлида олди. 1912 йили Мадалихон мадрасасининг 1-босқичини тугаллаб, рус-тузем мактабига кирди. Шу тариқа ўз устида тинмай излана борди. 14 ёшга тўлганида Навоий, Сўфи Оллоёр, Лутфий, Жомий, Хисрав Дехлавий, Фирдавсий асарларини ўзбек ва форсий матнларда бемалол ўқиб, таҳлил қила оладиган бўлиб қолган эди.

Ўғлининг адабиёт ва тасаввуф илмига қизиқишини сезган Собирхўжа домла уни 1917 йили Оренбургга олиб бориб, мадрасага ўқишга жойлаб қайтган эди.

Шокир Сулаймон 1921 йили олий Ислом мадрасасини тугатиб Қўқонга қайтгач, турли эски ва янги усулдаги мактабларда ҳаттотлик, она тили ва адабиёти, ахлоқдан сабоқ бериб юрди, қишлоқ ва шаҳарларда маориф ишларини ташкил этишда қатнашди. 1922 йили Қўқон ва Учқўприқда Ҳамза билан бирга тўрт йиллик усули жадид мактабини очишда қатнашди ва ўзи шу мактабларда ўқитувчилик қилди.

Шокир Сулаймоннинг бутун ҳаёт йўли мактаб, олий ўқув юрти ҳамда вақтли матбуот билан боғлиқ кечди. "Қизил байроқ" "Туркистон" — "Қизил Ўзбекистон", "Фарғона" каби газеталар ҳамда "Ёр юзи", "Маориф ва ўқитғувчи", "Аланга", "Билим ўчоғи", "Ўзгаришчи ёшлар" журналларида ишлади, фаол иштирок этди. У 1926 йилдан "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг халқ таълими бўлимини бошқарди.

Шокир Сулаймон биргина олий мадраса таълими билан чекланиб қолмай, қунт билан изланди. 1924 йили Москва давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Бир пайтнинг ўзида оилага кўмак бериш мақсадида Шарқ халқлари нашриётида ишлади. Иккинчи курсни тугатгач, 1926 йили Самарқандга қайтиб келди ва олдин "Маориф ва ўқитғувчи", 1927 йилнинг ноябридан "Аланга" журналида масъул котиблик вазифасида ишлай бошлайди. 1929—1931 йиллар эса "Ёр юзи" журналининг масъул котиблиги вазифасини бажариб, журналнинг бадиий ва ғоявий савиясини ошириш йўлида жон куйдирди. Журналнинг деярли ҳар бир сонида ўзининг ҳам илмий ва публицистик мақолалари, шеър ва ҳикоялари босилиб турди.

Атоқли журналист журналларнинг масъул вазифаларида ишлаб юрган чоғларида ҳам педагоглик юмушини ташламади. 1927—1930 йиллар Самарқанд Педакадемияси — ҳозирги Самарқанд университетида мумтоз ва сўнгги давр адабиётидан дарс берди.

Ҳужжатасров материалларининг гувоҳлиги, қоларверса, шоирнинг 1941 йили ёзган таржимаи ҳолида кўрсатилишича, у 1931 йилнинг февралидан Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтига ишга ўтиб, адабиёт назарияси, айниқса, болалар адабиётининг долзарб муаммолари билан шуғуллана бошлаган. 1933 йилдан эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Болалар ва ёшлар адабиёти бўлимига бошлиқ бўлиб ўтган.

Ўзбек болалар адабиёти тараққиётининг келажагини кўзлаб иш тутган Шокир Сулаймон адабиётга чет эл болалари ҳаёти мавзусини олиб киришда ташаббускорлик кўрсатди. Болалар адабиётининг тараққиёти бобида муҳим назарий талқинлар яратди.

1938 йили Шокир Сулаймон яна Тил-адабиёт институтига ишга таклиф этилди. Бу ерда у ўзининг илмий изланишларини, айниқса, фольклор материалларни тўплаш орқали миллий бойлигимизни яратиш ишига киришди. Бу лавозимда то қамалгунга қадар хизмат қилди.

— Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи Зайнабхон билан бирга Фарғона таълим-тарбия техникумида ўқиб, "Ўн уч қалдирғоч"дан бири сифатида тилга тушганман, — дея ҳикоя қилади ҳозирда 93 ёшли профессор Раҳимжон Отажонов. — Шу сабабли Шокир Сулаймон билан кўп марта учрашиб, мулоқотда бўлганман. У новча, қаддикомати келишган, ёшликдан кўзойнак тақиб юрувчи, буғдойранг, виқор билан сўзловчи, тез-тез чекиб турувчи серҳаракат инсон эди. Дастл бки ёзган шеърларини 1918 йилда "Меҳнат байроғи", "Иштирокиюн" газеталарида ўқиганман. Унинг қаламига мансуб ўнлаб шеърий ва прозаик асарлар, мактаблар учун дарслик ва қўлланмаларни ўқиганман ҳамда улардан фойдаланганман...

— Хонадонимизга маслаҳат ва кўмак учун у кишининг шогирдлари Усмон Носир, Мадамин Даврон, Амин Умарий ва бошқалар тез-тез келиб туришарди, — дея хотирлайди Зайнаб опа, — Чўлпон билан Боту эса энг яқин дўстлари эди. Бу улкан шоирлар билан тушган кўплаб суратлари ҳам бор.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Тарихнинг олтин саҳифалари ҳаётий воқеаларни ҳеч қандай таҳрирларсиз баён этади.

Ўзбек халқи азалдан бағри кенг, ўз а халқ ва элатларга хайрихоҳ, байналмилал халқ. Халқлар ўртасида тотувлик, самимий дўстлик қарор топишида, айниқса, маданият ва адабиёт дарғаларининг муносиб ўринлари бор. Дарҳақиқат, Шокир Сулаймоннинг бой ижодий мероси, жўшқин ҳаёти замирида ана шундай олижаноб туйғу мужассам.

1929 йилнинг апрель ойида Шокир Сулаймон ташаббусига кўра, университет номидан қилинган таклифга биноан, татар адабиёти ва маданиятининг буюк арбобларидан саналмиш Ҳасан Тўфон Самарқандга ташриф буюради. У бир неча кун филология факультети талабалари ҳамда педагогика, тарих ва иқтисодиёт факультетларининг жамоаси орасида бўлиб қизиқарли учрашувлар, турли мавзуларда чиқишлар қилди.

— 3 май куни университетда ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди, — дея эслайди Зайнаб опа. — Шунда Ҳасан шоир "Халқлар дўстлиги — адабиётлар қардошлиги" мавзусида мазмунли маруза қилгани кечагидек эсимда. Конференцияда Шокир Сулаймон ҳам "Адабий дўстлик — абадий дўстлик" мавзуида чиқиш қилган эди. Янглишмасам, бу маърузаларнинг ҳар иккиси "Зарафшон" газетасида босилган эди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас Шокир Сулаймон масъул котиблик қилаётган "Ёр юзи" журналининг ўша йилги 21-сонида бу ҳақда махсус материаллар ва олиму ёзувчиларнинг суратлари ҳам босилиб чиқди.

Шокир Сулаймондаги самимият, илмий салоҳият, ёзувчилик маҳорати, нозик дидли шоирлик фазилатлари, кучли публицистик қудрат уни собиқ Иттифоқ доирасидагина эмас, балки чет элларга ҳам танитди. Айниқса, унинг болалар адабиётида яратган қатор ҳикоя ва очерклари, эртак ва афсоналари, публицистик асарлари, бадиий баркамол шеърлари, достонлари қўлам, сифат жиҳатдан ҳам катта нуфузга эга эди.

— Шокир Сулаймон билан яқин дўст эдим, — дейди 95 ёш соҳиби, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, шоир билан кўп вақтлар Қўқон қишлоқларида ўқитувчилик қилган поплик Абдулло Йўлдошев. — Унинг одати — жиддий мутолаа билан машғул бўлар, сўнг ижод қиларди. Мактабда бирга ишлаган кезларидаёқ унинг бир неча китоблари чоп этилди.

1929 йил эди. Дўстимни кўргани Самарқандга бордим. Уйда Зайнабхон бор эканлар. Маълум бўлишича, Шокиржон В. Маяковский билан Англия сафарига кетган экан.

Талантли шоир, таниқли ёзувчи Москва ёзувчилари иттифоқининг таклифи билан кўп марта чет элларга сафарга борганлигини биламан. 30-йилларда Хиндистон, Хитой, Францияга, ҳатто Африкага Вера Инбер билан бирга борганлигини яхши эслайман. Ҳозир ҳам менинг қўлимда унинг беш-олтита китоби сақланяпти.

Мана бу китоб Шокир Сулаймоннинг Англия сафари натижаси ўлароқ, 1930 йилда босилиб чиққан "Джем ҳам Эллен" ҳикоялар тўплами. Буниси 1931 йилда чоп этилган "Ҳиндистонда", мана буниси 1934 йилда босилган "Хитой боласи Ин-Фон" ҳикоялар тўплами, буниси эса "Париж болалари" ҳикоя ва очерклар китоби.

Бу китобларни дўстимнинг ўзи совға қилган эди, деб изоҳ берди Абдулла ака қўлидаги китобларга ҳаттотлик санъати билан араб ёзувида битилган эсдалик ёзувларини кўрсатиб.

ЁРҚИН ИЗЛАР

Шокир Сулаймон ўз миллати болаларига таълим-тарбия бериш, уларни маърифатли қилиш йўлида сабот билан курашди. Мактаблар очиш, халқ фарзандларига дарс беришдек хайрли ишга зўр иштиёқ билан киришди. У ўзининг мазмундор машғулотлари давомида тўпланган бой тажрибалари асосида ёшларга ҳамда саводсизликни тугатиш курслари талабаларига атаб қатор дарслик ва дарс ўтиш услубларига бағишлаб илмий-услубий мақолалар ёзди.

Ўзбек маорифини ривожлантириш йўлида амалий ишлар қилди. "Маориф ва ўқитғувчи" журнали орқали маорифга, тарбияга доир муаммоли мавзуларда мақолалар ёзди. "Икки муҳим масала устида", "Олий таълим-тарбия институти", "Таълим-тарбия билими ҳақида", "Таълимнинг ибтидоси", "Дарс ўтишнинг синалғон йўли" сингари ўнлаб мақолалари шулар сирасидандир.

Халқ таълимини яхшилаш, мактаб ва курсларни ўқув қуроллари билан таъминлаш соҳасида катта ишлар олиб бораётган услубшунос педагог 1929 йили 1-босқич мактаблари учун 132 саҳифадан иборат "Ёш куч" номида адабий қироат китобини чоп эттирди. Ўша йили чала саводли мактаблар учун "Озод меҳнат" номида 256 бетлик ўқув китобини нашр эттирди. Худди шу йили Зиё Саид билан ҳамкорликда "Ёш декламатор" номли болалар саҳна адабиёти, И. Йўлдош билан муаллифликда катта ёшдаги ўқувчилар учун "Янги қишлоқ" номида иш китоби босилиб чиқди.

30-йилларда эса унинг катта педагог олим В. Серов билан ҳамкорликда юқори Педакадемия институтларининг қуйи семестрлари учун "Гўзал адабиётдан иш китоби" номида икки қисмдан иборат дарслиги нашр этилди. Бу сингари дарслик ва қўлланмалар, маърифий асарлар атоқли педагогнинг шу соҳанинг етук билимдони эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Бу айтилганлар Шокир Сулаймоннинг миллий маорифимиз соҳасидаги ишларидан фақат бир қисмигина, холос.

Биз юқорида Шокир Сулаймонни бадиий асарлар яратиш бобида ҳам кўпроқ болалар ҳаётига эътибор қилганлиги ва таълим-тарбияга доир асарлар муаллифи сифатидаги фаолиятини тилга олгандик. Дарҳақиқат, шундай. Унинг болаларга атаб ёзган икки юзга яқин ҳикоя, очерк ва эртаклари, юзлаб шеърлари, достонлари номларини кўрсатиш ва таҳлил этишдан ўзимни тийиб, ўнлаб алоҳида босилиб чиққан китобларини тилга олиш билан кифояланаман.

Булар қуйидагилар: "Қайнар булоқ" (1927), "Зарбдор мухбир" (1931), "Янги сарой" (1931), "Ҳиндистонда" (1931), "Бахтли Ҳалима" (1931), "Бирлашган куч" (1931) каби шеърлар ва ҳикоялар тўпламлари.

Бугина эмас, болаларга аталган "Икки йўл" (1932), "Кеча бу кун" (1933), "Ўтганларни эслаганда" (1934), "Оқ негр" (1935), "Шаҳар кўчаларида" (1935), "Гул асал" (1934) каби ҳикоя, очерк, шеър ва достонларни ўз ичига олган кўплаб китобларидир.

Бетакрор талантга эга бўлган бу машҳур ёзувчи ўзбек турмуш тарзидан олинган, мавзу жиҳатдан хилма-хил, катталар учун ҳам талай шеърий ва прозаик асарлар — шеърлар, достонлар, ҳикоялар, очерклар, публицистик асарлар ёзиб, ўндан ортиқ тўпламлар яратди.

Айниқса, шоирнинг 1934 йили 1919 йилдан 1934 йиллар орасида эълон қилинган асарларидан танлаб олинган 408 бетлик "Сайланма асарлар тўплами" чоп этилиб, унинг бой ижоди анча жам қилинди.

Шу ўринда бир муҳим муаммога тўхталмоқчиман. У ҳам бўлса, Шокир Сулаймоннинг адабий меросини ўрганиш ва тўплаш, чоп этилмай қолиб кетган асарларини топиш билан боғлиқ масалалар.

Бир пайтларда Шокир Сулаймон атоқли ўзбек шоири, драматурги ва педагоги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг вафоти муносабати билан у ҳақда биринчи бўлиб драматик фожиа ёзиб, ўзбек фольклори бўйича муҳим тадқиқотларни тугаллаб нашрга топширганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор эди.

— 1929 йилнинг охирларида дўсти ва устози Ҳамзанинг бутун онгли ҳаёти, босиб ўтган суқмоқли йўли, фожиали ўлимига бағишланган "Ҳамза" номли пьесасини ёзиб тугатгач, — деб гувоҳлик беради унинг рафиқаси Зайнаб опа, — Шокир Сулаймон уни Чўлпонга ўқитиб олгач, нашриётга топширган эди. Лекин негадир у босилмай, қўлёзма ҳолича қолиб кетган.

Бугина эмас, 1940 йили 500 саҳифали "Бўрон" номли романи қўлёзмасини ҳам Ўзбекистон Давлат нашриётига топширганлигини я ми биламан. Асарнинг қўлёзмасини тўлиқ ўқиб чиққан эдим. Ўша йили икки томдан иборат "Ўзбек фольклоридан ўрнаклар" номли китоб ҳам нашриётга топширилганди. Қўлёзмани "Ўздавнашр"га иккимиз олиб бориб топшириб қайтган эдик. Орадан кўп ўтмай, эримни қамоққа олишиб, мени тўрт болам билан 24 соат муҳлат ичида Тошкентдан қувғин қилишиб, Бухорога жўнатиб юборишди. Топширилган асарлар эса шу пайтгача ёруғлик юзини кўрмай қолиб кетмоқда.

Инсон ҳуқуқлари поймол бўлган, "социалистик мафкура" ғазабга миниб, минг-минглаб бегуноҳлар қийратилган онларда ўз эридан ажраб, ҳақсизликка дучор бўлган Зайнаб Мирсалимова 1957 йили турмуш ўртоғи оқлангачгина Тошкентга қайтиб келди.

Ўзбекнинг атоқли ёзувчиси, катта педагоги, шоири Шокир Сулаймон ижоди энг гуллаган 40 ёшида қирчинидан қирқилганича қолаверди...

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Тошкент Кимё-технология институтининг доценти, тил ва адабиёт илмлари номзоди.

Унутилмас сиймолар

ҚИРЧИНИДАН ҚИРҚИЛГАН АЛЛОМА

"Чет элда ўқиб келган ва ажнабий халқлар ҳақида ҳар қандай фикр айтган киши борки, барибир хоин, сотқин сифатида йўқотилиши — шўро ҳукуматининг фожиаси эди..."

З. ВАЛИДИЙ.

Тўйлар муборак!

БУҒДОЙ ПИШИҒИГА ЕТГАНЛАР

Яқинда Фарғона шаҳрининг сўлим Абай кўчасидаги энг обрўли хонадонлардан бирида катта тўй бўлди. Даврани созандаю хонандалар одатдаги "Тўйлар муборак!" қўшиғи билан очдилар. Чўғдек гиламлар ташланган кўчма саҳна-пол устида, юмшоқ ўриндиқли иккита курсида эса 80 ёшли момо ва 90 ёшли бобо ўтирарди.

Гулсум ая ва Отажон ака Фармоновларнинг муборак тўйлари ана шундай бошланди. Даврага Ая ва Отанинг дўстлари, сафдошлари, ёру биродарлари, шогирдлари, узоқ-узоқлардан келган нуфузли меҳмонлар ташриф буюришди. Роса ўйин-кулги бўлди, тўй ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Сўзга чиққанлар — Фарғона вилояти ҳокимининг муовини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Турсунали Қурбонов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ғани Абдураҳмонов, шоир Йўлдош Сулаймон, Фарғона тумани халқ таълими бўлими мудираси Ҳалима Хўжақулова, шаҳардаги интернат директори Сора Қўлдошева ва бошқалар Ая ва Отага мустаҳкам саломатлик, эзгу тилаклар тилашди. Ҳар бир мўмин-мусулмон ҳам шу икки инсонга ўхшаб халққа фидойи хизмат қилсин, улар каби тетик, обрўли, бахтли бўлсин, ҳар кимни ҳам бобо ва момоликка етказсин, — дея фотиҳа айлашди.

Гулсум ая ўз меҳнат фаолиятини 1928 йили Янги чек мактабида бошланғич таълим ўқитувчилигидан бошлади, махсус курсда таҳсил олгач, болаларга тил-адабиётдан сабоқ берди. Уруш йилларида ҳукумат ишларида хизмат қилди. Шу даврларда жуда кўп ўзгаришлар, воқеаларнинг шоҳиди бўлди, тарихий шахслар, жумладан, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов ва бошқалар билан суҳбатлашди.

Маълумки, уруш даврида жуда кўп болалар етим қолишган. Ҳукумат олдида бу норасидаларни бир жойга тўплаб ўқитиш, тарбиялаш, иссиқ ўрин бериш муаммоси кўндаланг турарди. Ая ана шу вазифани ўз зиммасига олди. Етим болалар уйини очди, уларга ҳам оталик, ҳам оналик қилди, таълим-тарбия ишига қалб қўрини бағишлади. Вақт ўтиши билан бу зиё маскани интернатга айлантирилди, унинг ёнига қўшимча бинолар қурилди. Интернатда математика фани чуқур ўқитиладиган бўлди. Ая то қарилик нафақасига чиққунга қадар шу даргоҳда раҳбарлик қилди. Қўлида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, Саодат Қобулова, академик Ғани Абдураҳмонов, жамоат арбоби Акром Бўрибеков, журналист Фарида Мамажонова, шифокор Мунаввар Ҳамроқулова, кўплаб таниқли кишилар таълим олишди. Интернатни ҳозир у кишининг шогирди Сорахон Қўлдошева бошқаради. Гулсум ая эса қарилик гаштини сураяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, қатор орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар соҳиби. Отажон ака билан 8 нафар набирани тарбиялади, энди чевараларини катта қилиш билан овора. Ўзлари ҳам доим яқин кишиларининг қуршовида, ғамхўрлигида.

Отажон ака уруш й лларида турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди, кейин Фарғона тумани халқ таълими бўлимини бошқарди, мактабда директор, тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. У киши ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, қатор медаллар, фахрий ёрлиқлар соҳиби. Уларнинг шогирдлари ҳозирги даврда республика миқёсида нуфузли кишилар бўлиб етишишган.

Ота ва Ая уч нафар фарзанд кўришган. Тўнғич қизлари Раънохон Тошкентдаги политехникумда ўқитувчи, ўртанча ўғиллари Баҳодир матлубот жамияти раисининг муовини, кичик қизлари Дилбархон Ўзбекистон Олий таълим вазирлигида масъул лавозимда хизмат қилади. Келин-куёвлари ҳам мартабали инсонлар.

Биз тўй давомида мавридини топиб Ота ва Аяга баъзи саволлар билан мурожаат қилдик.

— Ота, мана шу табаррук ёшда ҳам тетик ва бақувватсиз. Бунинг сири борми?

— Сири оддий: умрбод руҳимни тетик тутдим. Ахир, одамни гўзал — хунук, кучли-заиф, касал-соғ, ёш-қари қиладиган нарса руҳ-да. Руҳи сўлғин одамга касаллик ёпишаверади ва у тез қарийди. Иккинчидан, киши ўзини навқирон бўлишга, қувноқ яшашга, толиқмай ишлашга илҳомлантира олмоғи керак. Меҳнат бизнинг умримизни узайтиради. Учинчидан, бизнинг давр одамларининг зуваласи пишиқ бўлган.

— Ая, турмуш ўрто ғингиз билан роса 65 йилдан буён бирга яшаяпсизлар экан. Оилангиз ҳақида кўпчилик ҳавас билан гапиришяпти...

— Унча бунча келишмовчиликларни кўнглимизга олмадик, уйимиз доим дўстлар билан гавжум бўлди. Фарзандлар тарбиясига катта эътибор бердик. Ўртамиздаги бирорта жиддийроқ нохушликни эслаёлмайман. Биз умрбод аҳил, тотув, кечиримли, муроса-мадорали ва ёмон кунларда бир-биримизга ҳамдард бўла олдик. Энг катта бахт-саломатлик, узоқ умр кўриш, маънавий бадавлатлик ва имкониятларнинг кенглиги. Биз шундай нарсаларга эришдик.

— Отажон ака, ҳозирги авлод ўқитувчиларига қандай тилакларингиз бор?

— Меҳнатга қалб кўрингизни бағишланг, тушкунликка тушманг — узоқ умр кўрасиз. Руҳингизни тетик тутинг, дадил бўлинг — сизга касаллик ёндашмайди. Ишда ҳам, бошқа жойда ҳам тадбиркор бўлинг — имкониятларингиз кенгаяди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Қутлаймиз!

Ҳурматли онажонимиз Манзура МАТАНОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сиз меҳрибон ва қаҳрамон она, моҳир педагогсиз. 25 йилдирки, Паркент туманидаги 18-мактабда ёшларга химия фанидан сабоқ бериб келасиз. Меҳнат фаолиятингиз давомида кўплаб шогирд етиштирдингиз.

Бахтимизга доимо соғ бўлинг, деб ўн нафар фарзандингиз, келин-куёвларингиз номидан Эркинжон.

Муҳтарам Омонқул Тўрақулов!

Умрингизнинг ярим асрлик тўйи муносабати билан дунёдаги жамики эзгу тилакларнинг Сизга ёр бўлишини тилаймиз. 30 йиллик педагоглик фаолиятингизда баркамол инсонни тарбиялашдек масъулиятли, шарафли касбни ардоқлаб келаяпсиз.

Доимо сиҳат-саломат бўлинг!

Ховос туман халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли Аширулло ЖАЛОЛОВ!

Узоқ йиллардан буён ёшларга сабоқ бериб келасиз. Таълимингиздан баҳраманд бўлган ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда педагоглик касбини ардоқлаб, устозлари изидан бормоқда.

Туғилган кунингиз билан чин юракдан қутлаб, Сизга доимо сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли Собира Ўринбоева!

Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз, ўқитувчилик фаолиятингизда муваффақият тилаймиз! Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ўзингизга ва оила аъзоларингизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Ҳакима, Нортожи, Шарифахон, Раънохон опаларингиз, дугоналарингиз Сайёрахон, Раъно, Фаридахон, Ҳамрохон ва Дилбархонлар.

Азиз падари бузрукворимиз Абдусамат АБДУРАҲИМОВ!

Сизни пайғамбар ёшингиз билан қутлаймиз. Ўтган йиллар ичида бутун жумҳуриятга устозмуаллим сифатида танилиш баробарида 10 фарзандни вояга етказдингиз. Шу фарзанд — дилбандларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг. Меҳнатларингиз роҳатини кўринг!

Ҳурмат билан рафиқангиз — Ҳанифа Намозова, фарзандларингиз Кўчқоржон, Олимжон, Комилжон, Тўражонлар.

Қадрли Роза ДАВЛЕТОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Қалбингиздаги меҳрдан биз қатори юзлаб ўқувчиларингиз ҳам баҳраманд бўлиб юраверсин.

Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

Турмуш ўртоғингиз Бекберган

Урганч шаҳри.

Ҳурматли ота, азиз устоз Ҳўроз АБДАЗОВ!

Биз — Зомин туманидаги Ҳамза номли 18-ўрта мактаб жамоаси ҳамда фарзандларингиз — Исоқжон, Каримжон, Қурбоной, Гулсара, Гулчеҳра, Зебохон, келинларингиз — Ойсара, Мархамат, невараларингиз — Шуҳратжон, Муқаддас, Шарофжон, Неъматжон, шунингдек турмуш ўртоғингиз ва онангиз Сизни муборак ва табаррук 60 ёшли тўйингиз билан самимий қутлаймиз ва Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик тилаб қоламиз.

ИНСОН КЎРКИ — ОДОБ

Кейинги пайтларда мактаб ва ўқув юртлари дастурига "Одобнома" дарсларининг киритилиши туфайли ўқувчи-ёшлар ўртасида таълим-тарбияни янада шакллантиришга, уларни маданий меросимиздан баҳраманд этишга имконият туғилди.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани мактабларида ҳам икки йилдирки, одобнома дарслари ўтказиб келинмоқда. Бу борада бирмунча тажрибалар ҳам тўпланди. Шунга кўра яқинда туманда одобнома мутахассисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари "Аланга" ўрта мактабининг синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича директор ўринбосари Э. Саидовнинг одобнома дарсларини ташкил этиш тажрибаси, муаллима Ойдин Тўраеванинг дўстлик, байналмилалчилик одобини ёшлар онгига сингдириш, туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири ўринбосари Хўжақул Ҳайитовнинг одобнома дарсларида бадиий адабиётлардан фойдаланиш усуллари билан танишдилар ҳамда Хайрулла Тўраевнинг "Мақол — тарбия омили" мавзуидаги маърузасини тингладилар.

Музокараларда сўзга чиққанлар одобнома дарсларининг таълим-тарбияда тутган ўрни, мустақил давлатимиз келажак ворисларини вояга етказишдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Камолиддин ҚОДИРОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

1994-1995 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси олий педагогика ўқув юртларига қуйидаги касбий йўналишлар бўйича талабалар қабулини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700064, Тошкент ш., Педагогика кўчаси 103, тел. 55-47-81)

Кундузги бўлимга: математика, физика, кимё, биология, география, тарих, рус тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, рус тили ва адабиёти қўшимча корейс тили, ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, меҳнат, мусиқа педагогика, тасвирий санъат ва чизмачилик, чақириққача ёшларни тайёрлаш ва жисмоний тарбия, педагогика ва психология (мактабгача тарбия) , бошланғич таълим методикаси, дефектология.

Сиртқи бўлимга: математика, география, тарих, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, ўзбек тили ва адабиёти,мусиқа-педагогика, педагогика ва психология (мактабгача тарбия) , бошланғич таълим методикаси, дефектология.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(707000, Жиззах шаҳри. Ш. Рашидов шох кўчаси, тел. 3-18-57)

Математика, биология, рус тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, ўзбек тили ва адабиёти, меҳнат, жисмоний тарбия, бошланғич таълим методикаси.

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(713026, Қўқон шаҳри, Истамбул кўчаси 23, тел. 238-38)

Математика, физика, кимё, тарих, рус тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, ўзбек тили ва адабиёти, меҳнат, мусиқа-педагогика, жисмоний тарбия, педагогика ва психология (мактабгача тарбия) , бошланғич таълим методикаси.

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(706 800, Навоий шаҳри, ибн Сино кўчаси 45, тел. 3-94-30)

Математика, тарих, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, меҳнат, педагогика ва психология (мактабгача тарбия) , бошланғич таълим методикаси.

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(742005, Нукус шаҳри, Калинин кўчаси, 106 уй, тел. 2-26-13)

Математика, биология, тарих, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, ўзбек тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, меҳнат, мусиқа-педагогика, тасвирий санъат ва чизмачилик, жисмоний тарбия, педагогика ва психология (мактабгача тарбия) , бошланғич таълим методикаси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(702500, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-уй, тел. 2-24-89)

Математика, кимё, география, тарих, рус тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти миллий мактабда, ўзбек тили ва адабиёти, меҳнат, жисмоний тарбия, бошланғич таълим методикаси.

Абитуриентларнинг хужжатлари қабул комиссиялари томонидан 25 июлга қадар қабул қилинади. Олий ўқув юрти ректори номига ёзилган аризага ўрта ёки ўрта-махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/у — шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат илова қилинади. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртига ўқишга кираётган абитуриентлар аризасига қўшимча равишда иш жойларидан маълумотномани ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирмасини илова қиладилар.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан жойларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчи абитуриентлар учун — 30 июлда, кундузги бўлимга ўқишга кирувчи абитуриентлар учун — 5 августда ўтказилади.

Танлов ва талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш бўйича давлат идораларо комиссияси томонидан абитуриентларнинг тест синовлари ва қўшимча ижодий (мутахассисликлар бўйича) имтиҳонлар натижасида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

Олий ўқув юртларига қабул давлат идораларо комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 1994-95 ўқув йилига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 1994 йил учун докторантурага Педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01) мутахассислиги бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун фан номзоди, илмий педагогик ходим сифатида ўзини кўрсатган, илмий муаммоларни ҳал қила оладиган, юксак даражада илмий тадқиқотларини олиб боришга қобилиятли, танлаган соҳаси бўйича илмий ютуқларни қўлга киритган 40 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади. Докторантуралар ўзининг чуқур ва кенг тайёргарлиги, педагогика ва илмий-тадқиқот ишларига чуқур ёндашганлиги, юксак маънавий-сиёсий онги ва фаоллиги билан ажралиб туриши керак.

Докторантурада ўқиш муддати 3 йил.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расми билан) ;
3. Таржимаи ҳол;
4. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси;
5. Илмий-тадқиқот иши бўйича ҳисобот ва кашфиётларининг чоп этилган рўйхати.
6. Иш жойидан тавсиянома.

Ариза ва ҳужжатлар газетада эълон босилган кундан бошлаб 1994 йил 10 октябргача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 700064, Глинка кўчаси, 3-уй. Аспирантура бўлимига. (тел: 54-74-20) , илмий ишлари бўйича ректор ўринбосарига (тел: 55-47-86) мурожаат қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

1994-95 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Коллеж икки поғонали ўқиш бўйича мутахассислар тайёрлайди. Биринчи поғонада ўқийдиганлар техникум дастурида шуғулланиб "Техник-иқтисодчи", "Техник-тижоратчи", "Техник-электромеханик", "Техник-меъморчи", "Техник-қурувчи", "Техник-технолог" "Техник-сантехник" мутахассислигини эгаллайдилар.

Иккинчи поғонада ўқийдиганлар учун машғулотлар муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, улар олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу поғонани битирувчилар "Кичик инженер" мутахассислигини эгаллаб, инженерлик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўқув кенгашининг қарорига биноан иккинчи поғонани битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртининг кундузги бўлимида 3-курсдан, сиртқи бўлимида 4-курсдан ўқишни давом эттирадилар.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

1. Қурилишни режалаштириш ва иқтисодиёти (9 йиллик маълумоти билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
2. Қурилишда тижорат фаолияти (9 йиллик маълумоти билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
3. Бино ва иншоотларининг электромеханик ускуна ва автоматик жиҳозлардан фойдаланиш (11 йиллик маълумот билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
4. Жамоат ва турар-жой биноларининг меъморчилиги (11 йиллик маълумот билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
5. Бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш (9 ва 11 йиллик маълумот билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. Бир гуруҳда (9 йиллик маълумоти билан) ўқиш рус тилида олиб борилади.
6. Темир-бетон қурилма ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш (11 йиллик маълумот билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
7. Ички иситиш ва сув билан таъминлаш шахобчаларини йиғиш. (11 йиллик маълумот билан қабул қилинади) . Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА 11 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

1. Қурилишни режалаштириш ва иқтисодиёти.
2. Темир-бетон қурилма ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш.

КЕЧКИ БЎЛИМГА

(Чорвоқ филиали, Ғазалкент шаҳри)

1. Қурилишни режалаштириш ва иқтисодиёти.
2. Бино ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш.

Ўқишга кириш тўғрисидаги ариза танланган мутахассислик кўрсатилган ҳолда коллеж директори номига ёзилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

1. Ўрта умумий таълим мактаби ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида ҳужжат. (Ўрта таълим ҳақида аттестат ёки диплом асл нусхаси) 9-синф ҳажмидаги абитуриентларга маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси)
2. 3х4см. ўлчамли 6 дона фотосурат.
3. 086/У тиббий маълумотнома.
4. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат (шахсан абитуриент томонидан кўрсатилади)
5. Ишдан ажралмаган холда ўқишга кираётган фуқаролар меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки иш жойидан маълумотнома.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАРДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Кундузги, кечки, сиртқи ўқишларга 11-синфларни битирганлар 1 июлдан 25 июлгача.

8-9-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлардан кундузги ўқишга 1 июндан 1 августгача, кечки ўқишга 1 июндан 15 августгача

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

11-синфни тугатган абитуриентлар она тили ва математикадан тест-синовини топширадилар. Меъмор мутахассислиги бўйича расмдан мутахассис имтиҳони. 9-синфни битирганлар математикадан оғзаки, ўзбек тилидан ёзма диктант.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТЕСТ СИНОВИ АСОСИДА БЎЛАДИ.

11-синфни битирганлар учун: тест синовлари 30 июль, меъморчи мутахассислигига мутахассис имтиҳони 26 июлдан 28 июлгача.

9-синфни битирганлар учун:

Кундузги бўлимга 1 августдан 20 августгача, кечки бўлимга 1 августдан 25 августгача.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 9-синфни тугатганлар учун 25 август куни.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри — 11. Навоий кўчаси, 32-уй.
Телефон: 44-24-42, 44-23-04, 44-61-80.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

САВОЛ: Мамлакатимизда ўса оладиган ва айни пайтда бошқа минтақаларда ўсаётган, аҳамиятга молик ўсимлик ва ҳайвонлар янги нав ва турларини ўрганиб келиб, фермерлар ҳаётига татбиқ этувчи мактаб очмоқчиман. Бунга рухсат бериладими?

А. МАВЛОНОВ.

Китоб тумани.

ЖАВОБ: "Таълим тўғрисида"ги Қонунга биноан давлат томонидан белгиланган фанлар дастурларини ўзгартирмаган ҳолда, мактаб ихтиёридаги соатлар ва эслатманинг 4-бандига асосан шу тарзда фермерлик йўналишидаги мактаб очиш мумкин. Лекин хусусий мактаб очиш мумкин эмас.

САВОЛ: Мактабларни битираётган аълочи ўқувчиларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш вақтида қандай имтиёзлар берилади?

Х. СОБИРОВ.

Қибрай тумани.

ЖАВОБ: Уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмайди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган ёшларгина олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинади.

САВОЛ: Ўқитувчилар маҳорати ўқувчилар томонидан анкета орқали баҳоланган тақдирда салбий баҳо олган ўқитувчи яна ишлайверадими? Мактаб маъмурияти бунга қандай қарайди?

И. КЕНЖАЕВ.

Когон тумани..

ЖАВОБ: Мактаб маъмуриятининг ўқитувчи маҳоратини, дарс ўтиш ва бошқа жиҳатларни ўқувчилар анкетаси орқали аниқлаши аслида номақбул усулдир. Бу усул ўқитувчини ўқувчи олдида обрўсизланишга ва турли зиддиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Мактаб маъмурияти ўқитувчининг иш фаолиятини ўрганмоқчи бўлса, унинг дарсларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳоллардагина ўқитувчиннг хусусиятларини билиш учун анкета сўрови жорий этса ҳам бўлади. Педагоглар маҳорати, билими, касб-корлик сифатлари "Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низом"га мувофиқ баҳоланади.

САВОЛ: Икки ўғлим Тожикистон давлат университетида таҳсил кўрмоқда. Уларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришга анча қийналиб қолдим. Олис йўл машаққатлари энди қаттиқ сезилмоқда. Шу туфайли уларни Термиз ёки Самарқанддаги институтлардан бирига ўтказишнинг иложи бормикан?

Х. ҚУРБОНОВ.

Бойсун тумани.

ЖАВОБ: Талабалар ўқишини бир олий ўқув юртидан иккинчисига кўчириш ёзги таътил даврида амалга оширилади. Шунинг учун фарзандларингиз ёзги имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлганларидан сўнг белгиланган тартибда ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилишлари лозим.

. Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 8-ўрта мактаб томонидан ТЎЛАГАНОВА Гулнора Лутфуллаевна номига берилган ўрта маълумоти ҳақидаги А 506697 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Шайҳонтоҳур туман халқ таълими бўлими услубчи Д. С. Ҳошимовага, часи

САОДАТ ая

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Замира Тўлаганова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6